

Таржимаи ҳол

Эргашева Гулрухсор Сурхонидиновна 1974 йил 13 марта Фарғона вилояти Бешариқ тумани Шоберди қишлоғида зиёли оиласида туғилган. 1991 йил Фарғона вилояти Бешариқ тумани Шоберди қишлоғидаги 4-умумий ўрта таълим мактабини медаль билан тамомлаб Тошкент давлат педагогика институтининг Табиёт фанлари факультетига ўқишга кирган.

1996 йил ТДПИни тамомлаб биология ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлган ва дастлаб Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 44-, 1997 йилдан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 13 мактабда биология ўқитувчиси;

2000-2003 йиллар Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти кундузги бўлим аспиранти;

2004 йилдан ЎзПФТИ илмий ходими;

2004 йил сентябридан Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факультети, Биология ва инсон ҳаётий фаолияти муҳофазаси кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, п.ф.н.;

2008-2012 йиллар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети "Биология ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси кундузги бўлим докторанти;

2012- 2015 йиллар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети "Биология ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти;

2015-2017 йиллар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедраси мудири;

2018-2019 йй. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий инновацияларни тиҷоратлаштириш бўлими бошлиғи;

2020 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Бошланғич таълим факультети декани;

2020 йил марта "Биология ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси профессори в.б.;

2022 йил 1 июндан ҳозирги вақтгача "Биология ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

2006 йилда "Биология дарслклари ўқув материалларини лойихалашнинг дидактик асослари" мавзусида 13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология) ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган ва педагогика фанлари номзоди илмий даражасига;

2018 йил "Биология таълимида интерактив дастурий воситалардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш" мавзусида 13.00.02-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология) ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган ва педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлган.

Г.Эргашева раҳбарлигига 30 дан ортиқ битирув малакавий ишлар, 15 нафар магистрлик диссертациялари; 15 нафар педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ўз илмий ишларини ҳимоя қилган. Айни вақтда 5 та

фан докторига илмий маслаҳатчи ва 15 дан ортиқ п.ф.ф.д. (PhD) бўйича тадқиқотчиларнинг илмий ишларига раҳбарлик қиласди.

Ўз изланишлари давомида Г.С.Эргашеванинг хорижий, республика журналларида, илмий тўпламларида ва конференция материалларида 150 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари; 20 дан ортиқ методик, ўқув қўлланмалари ва дарсликлари чоп этилган. Ўзбекистон республикаси олий таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланмалар ва дарсликлар учун нашр гувоҳномалари ва муаллифлик гувоҳномаларига эга.

Оилали 4 нафар фарзанди бор.